



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 152 (12.713)

Баҳоси эркин нарҳда



ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 1 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қароридан юртимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга очилиб, тобора обод ва гўзал бўлиб бораётгани, жумладан, аҳолининг асосий қисми яшайдиган қишлоқ жойларда муносиб турмуш шароитини яратиш, намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича амалга оширилаётган дастурларнинг ижтимоий аҳамиятини ёритиш алоҳида таъкидланади.

Истиқлол, Ислохот, Истиқбол

ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ЖАМОЛИ бутун дунёни мафтун этмоқда

Бу бежиз эмас. Бундан 24 йил муқаддам 1990 йилнинг 20 январида Тошкент шаҳри фаоллари йиғилишида сўзлаган нутқидан давлатимиз раҳбари Ислам Каримов масалани: «Тошкентни юксак маданият шаҳрига айлантиришимиз керак, замонашларимизгина эмас, фарзандларимиз ва набираларимиз ҳам у билан ҳақли равишда фахрланадиган бўлсинлар», — деган тарзда қўйган эди. Пойтахтимиз тарихига «жаҳон тарихининг бир қисми» сифатида қараш лозимлигини уқтирди. Бу эса амалда, шу муқаддас юрт, унинг ҳар бир шаҳри ёки қишлоғи — ўзимизники, унинг тақдири учун ўзимиз масъулмиз, деган туйғуни уйғотди ва мустаҳкамлади. Бугун англаб етишимиз керакки, Тошкент шаҳрини дунёнинг энг гўзал пойтахтларидан бирига айлантириш ҳаракати аслида ўша йиллардан бошланган эди.

Шу тариқа мустақилликка эришиш оstonасида бошланган шаҳар ва қишлоқларимизни ҳар тарафлама обод қиладиган айлантириш, уларда одамларнинг бахтли яшашини учун зарур бўлган барча замонавий қулайликларни яратиш сиёсати изчил давом эттирилди. Истиқлол бу мақсадларни тўла-тўқис амалга ошириш учун энг муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Тарихан қисқа давр мобайнида бутун Ўзбекистон дунёдаги улкан бир қурилиш майдонига айланди.

1990 йили Юрбошимиз томонидан Тошкентни тубдан обод қилиш ҳақида илғари сурилган амалий ғояларини

эсда тутган ҳолда унинг 2013 йил 19 июнь кунини жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислохотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида Жиззах ва Сирдарё вилоятларига ташриф буюрганда билдирган фикрларини ўзаро қиёслаб кўрайлик. Ана шу ташриф чоғидаги учрашуларда давлатимиз раҳбари фақат пойтахт эмас, амалда мамлакатнинг барча шаҳар ва қишлоқлари замон талаблари даражасида обод бўлиши зарурлигини, жумладан, Жиззах шаҳрини ободлаштириш бўйича айнан қандай лойиҳалар амалга оширилиши лозимлигини уқтирди. Бош мақсад — одамларни, фуқароларимизни хурсанд қилиш, уларнинг бахтли ҳаёт кечириши учун барча имкониятларни яратишдан иборат эканини алоҳида қайд этди.

Маълумки, газетамиз ҳар йили Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришган кун олдидан Истиқлол йилларида мамлакатимиз, жумладан, пойтахтимиз босиб ўтган йўлни, амалга оширилган ишларни, эришилган ютуқларни, ислохотлар моҳиятини, байрамга тайёргарлик қириш ва уни ўтказиш жараёнларини ёритиб боради. Бу чиқишларда пойтахтимизни янада обод шаҳарга айлантириш борасидаги ишлар таҳлил этилган...

Мустабид тузум давридаги Тошкентни эслайлик. Уни ҳозирги юксак шахарсозлик маданияти даражаси билан ёнма-ён қўйиб, тасаввур қиладиган бўлсак, табиий равишда қора ва оқ тасвирлар тасмаси кўз ўнгимиздан ўта

бошлайди. Эҳ-ҳе, ўтган 23 йил мобайнида қанчадан-қанча улкан ишлар амалга оширилди. Ростини айтганда, эски тузум даврида шаҳримизда яшаб кетган бир одам келиб қолса, амалда ўзини тамоман бошқа дунёга тушиб қолгандай ҳис қилади.

«Тошкент бугунги кунда нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақамизнинг юксак тараққий этган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-моделий ва маънавий-маърифий марказидир. У — қудратли саноат ва транспорт-коммуникация тармоқлари, замонавий ижтимоий инфратузилмаларни ўзидан мужассам этган йирик мегаполисдир», — деган эди Юрбошимиз 2009 йили Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга бағишланган тантанали йиғилишда.

Шуни эътироф этишимиз лозимки, пойтахтимиз шаънига айтиладиган Шарқ дарвозаси деган юксак таъриф фақат Истиқлол йилларидагина ўзини тўла оқлади. Бугунги Шарқни дунё ахли Тошкентсиз тасаввур қила олмайди. Минтақамиз, маҳалламизнинг мамлакатлари муаммолари, ҳатто, жаҳоннинг кўпдан кўп глобал масалалари айнан шу ерда ҳал этиладиган бўлиб қолди.

Шу тариқа Тошкент мамлакатимизнинг маъмурий, сиёсий, иқтисодий ва маданий марказига, жаҳон ҳамжамиятининг муҳим сиёсий ҳалқасига айланди.

Тошкентнинг Истиқлол йилларида қанчалар чирой очганини кўрмоқчи бўлган киши биргина Мустақиллик

майдони зиёратини амалга оширган-даёқ муайян ҳулосага келади.

Мустақиллик майдони бугун яхлит бир мажмуага айланди. Яқин ўтмишда бу ер кўрimsиз эди, ҳозирги кунда эса боғ бўлди. Ҳарбий парад ва намоишларга мўлжалланган бетон кенгликлар ўрнида ям-яшил чаман барпо этилди. Майдон атрофидаги майсазорлар узра дунёнинг беш қиёфасидаги турли мамлакатлардан келтирилган гуллар, буталар, дарахтлар экилган.

Бизда қадимдан маҳалла бўлиб яшашнинг асрий анъаналари шаклланиб келган. Бироқ шўро даврида маҳалла шунчаки бир маълумотнома ёзиб берадиган, кечки пайтгина фуқароларни қабул қиладиган хўжақўрсинга тузиб қўйилган бир уюшма эди. Айнан мустақиллик шарофати билан бу борада ҳам оқилона ислохотлар амалга оширилди.

Шаҳардаги мавжуд 11 та туманда жами 475 та маҳалла бор. Баъзи бир маҳалла фуқаролар йиғини атрофида 10 минг кишилик ҳудуд бириккан. Маҳалла — бугун ҳам ўзини ўзи бошқариш органи, ҳам ижтимоий ҳимояни ташкил этиш механизми, ҳам тарбия мактаби. Энг муҳими, маҳаллаларимиз юртимизда жами эзгу ғоялар, хусусан, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик туйғусини ҳаётга татбиқ этишнинг дунёдаги энг олий намунасини кўрсатиб келяпти.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ўрнатган меъёрлар бўйича шаҳарлар ҳудудининг камида 15 — 20 фоизи кўкаламзор ерлардан иборат бўлиши керак. Шунда аҳолининг тоза нафас олиши, мўтадил иклимини сақлаб туриш мумкин бўлади.

Бугун шаҳримизнинг эса нақ 15 минг гектари яшилликдан иборат. Бу умумий майдоннинг 30 фоизини ташкил этади. Демак, бу жиҳатдан амалдаги меъёрларга нисбатан қарийб икки баробар кўп кўкаламзорликка эга эканмиз.

1991 йили киши бошига бор-йўғи 21 квадрат метр яшил майдон тўғри келган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 70 квадрат метрни ташкил этади. Бу ҳар бир кишининг тоза нафас олиши учун имконияти қарийб уч ярим ҳисса ортганидан далolat беради.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ

Шу кунларда
халқимиз Энг улуг,
энг азиз байрамимиз
— Ўзбекистон
Республикаси
Мустақиллигининг
23 йиллигини кенг
нишонлаш учун катта
тайёргарлик
кўрмоқда. Жойларда
байрамолди
тадбирлари бўлиб
ўтмоқда.



БОҒДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

Хусусан, куни кеча Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида янграган қарнай-сурнай садолари ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларини «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» эзгу ғояси асосида ўтказилаётган катта байрам тантанасига қорлади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси, маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Ўзбекинав» эстрада бирлашмаси, «Қамолот» ЕИХ ҳаракати, Халқ таълими бош бошқармаси билан ҳамкорликда Миробод, Чилонзор ва Бектемир туманлари ҳокимликлари томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда кўплаб ташкилот ва муассасалар, маданият ва санъат соҳаси вакиллари, тадбиркорлар уюшмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, сиёсий партиялар, маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари ҳамда мустақиллик туйғусидан ғурурланган барча аҳоли фаол, кўтаринки кайфиятда иштирок этди.

Тадбирда сўз олган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси А.Алтиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ф.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Ватанимиз мустақиллигининг қўлга киритилиши қадр-қимматини тиклаш, ўзлигимизни англаш, озода ва обод Ватан, фаровон жамият барпо этиш борасидаги изчил ишларда муҳим омил бўлаётганини таъкидлаб ўтдилар.

Озода ва обод Ватанга байрамлар ярашади. Осмонимиз муссаффо, юртимиз тинч ва осуда. Бир вақтлар ушбу сўзлар моҳиятини яхши тушулмагандирмиз. Лекин бугун юртининг тинчлиги, элнинг фаровонлиги энг улуг неъмат эканлигини қорак-журдан ҳис этамиз.

Мустақиллик — бу аввало ҳуқуқ экани, ҳар бир киши фақат мустақиллик туфайли ўз қадр-қиммати, ор-номуси ва ғурурини англаши, Истиқлол юртимизда яшаватган, миллати, тили, динидан қатъий назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омил эканини теран англаймиз.

— Маҳалла — қадрият ва анъаналар бешиги, — дейди Чилонзор туманидаги «Бешёғоч» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Вилоят Худойбердиева. — Обод ва озода гўшамизда 2150 нафар аҳоли бир оила фарзандларидек эмин, эркин яшаб, умргузаронлик қилиб келмоқда. Барча амалга ошираётган ишларимиз аҳоли билан ҳамжиҳатликда олиб борилади. Келажак — ёшларники. Шундай экан, уларга бутун бериладиган тарбия пишик-пукта бўлиши керак. Шундан келиб чиққан ҳолда ёшларимизнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш мақсадида маҳалламизда компьютер саводхонлиги, тикувчилик, тўкувчилик каби бир қатор тўғараклар фаолияти йўлга қўйилган. Зардуш-лик ҳунарини ўргатиш ўқув марказимиз ҳам бор. Унда Олий Мажлис ҳазуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинган танловда грант ютиб олганимиз боис бу ҳунар қизиларинга беғул ўргатилади. Яқинда ўтказилган «Энг намунали маҳаллалар фуқаролар йиғини» қўрик-танловида туман бўйича ғолибликни қўлга киритиб, ҳозирда ушбу танловнинг шаҳар босқичига тайёргарлик кўрмоқдамиз.

Мустақиллик энг аввало, бизларга ўзлигимизни англаш, миллий қадриятларни тиклаш, ҳаммамиз учун мўтабар шу заминда, ҳар бир хонадонда тинчлик-осойишталикни, барқарорликни сақлаш, юртимизда адолат, инсоф, дину диёнат, меҳр-оқибатни қарор топтириш эканини бугун ҳар қадамда сезиб турибмиз.

(Давоми 4-бетда)



● Самарқандда Ватанимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллиги олдидан «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида пойтахтдан келган шоир ва ёзувчилар, олимлар, журналистлар, маънавият тарғиботчи-

лари иштирокида учрашулар ташкил этилди.

● Қашқадарёда касб-хунар коллежи битирувчилари бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларни ўрганишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Наманганда Namnews.uz янги электрон нашри фаолият бошлади. Шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги глобаллашув даврида аҳолининг тўғри ва ишончли ахборотга бўлган талаб ва эҳтиёжини тўла қондириш, янгиликлардан тезкор ва ҳолис хабардор этиш стратегик аҳамиятга эга бўлган муҳим вазифадир. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Наманган вилояти бўлими муассислигида таш-

кил этилган мазкур янги интернет нашри ҳам ҳудди шу мақсадга йўналтирилган.



● Япония жанубига кириб келган «Накри» довули туфайли кучли ёғингарчиликлар кузатилиб, сув тошқинлари келиб чиқди. Бунинг оқибатида 250 мингта турар жой электр таъминотидан узилиб қолди. Табиий офатдан энг кўп зарар Коти префектурасига етгани айтилмоқда. Бу ерда ёғингарчилик микдори 1000 миллиметрдан ошган.

● Жорий йилнинг июнь ойида евроҳудудда ишсизлик даражаси май ойи-

дагига нисбатан 0,1 фоиз пасайди. Шундай қилиб, ягона валюта бирлигига аъзо давлатларда ишсизлик даражаси энди 11,5 фоизни ташкил қилапти. Бу 2012 йилнинг сентябрь ойидан бери қайд этилган энг паст кўрсаткичдир.

● «Hyundai Motor» автоконцерни (Жанубий Корея) филиали «Hyundai Mobis» Чехияда автомобиль фаралари ишлаб чиқарадиган корхона очади. Бунинг учун у 146 миллион евро микдорида сармоя йўналтиради. Лойиҳани молиялаштиришга зарур бўладиган яна 95 миллион еврога тенг маблағ эса Чехия ҳукумати томонидан ажратилади.



ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!



(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Истиқлол бугларини обод қилишдан бошлади, дейиш ҳам мумкин. Чунки 1991 йили Бешёғоч даҳасидаги қўл атрофидан жойлашган боғ обод этилиб, Ўзбекистон Миллий боғига айлантирилди ва у ана шу «Алишер Навоий йили»да улуг шоир ва мутафаккир номи билан юртиладирилди бўлди.

Мустақиллик майдони амалда ям-яшил зонага айланди. Шу тарихи Ўзбекистон кўчасининг Мустақиллик майдони туташадиган еридан то Марказий универмагага келадиган ери кенгайтирилди ва кескин бурилиш бўлиб турган жой тўғри йўлга айлантирилиб, транспорт воситалари учун қулайлик яратилди. Майдоннинг жанубий тарафидан ям-яшил боғ барпо этилиб, камёб игнабаргли дараклар ўтказилди. Улар қиш-ёзга қўм-кўк бўлиб, майдон кўрмига кўрқ бағишлар туришидан ташқари, йил – ўн икки ой тоза ҳаво иқлимини яратди.

Истиқлол даврида қадимдан шундай буюк шаҳарлар, дунёнинг дурдонаси бўлиб келадиган меъморий обидалар бунёд этган халқ яна қайтадан қандай шаҳарсозлик салоҳиятига эга эканини намоён этиш имконига эга бўлди ҳамда аждодларига муносиб яратувчилик намунасини кўрсатди.

2005 йили «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат техника университети бинолари таъмирланиб, янги кўрк пайдо қилди. Талабалар уйлари таниб бўлмас даражада замонавийлашди. Бу ерда «Мавнавият ва маърифат» маркази ишга туширилди. Талабалар ва шу атрофдаги аҳолига хизмат қиладиган поликлиника капитал таъмирланиб, энг охириги талабаларга жавоб берадиган тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

2007 йили Хастимом (Хазрати Имом) мажмуаси обод қилинди. Унинг таркибидан Кафол Шоший макбараси, Барокхон мадрасаси, Мўйи Муборак ёдгорлиги, Тилла Шайх масжиди, Хазрати Имом макбараси бор. Янги қурилган масжид, икки баланд минора, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг маъмурий биноси орқали биз Истиқлол йилларида қандай бунёдкорлик қувватига эга эканимиз, қадимий меъморчилик аъналарини замонавий шаҳарсозлик талабларига қай даражада уйғунлаштири олишимизни намоён этдик.

Бўзсан Тошкентда бир йилда бунёд этилган иморатларни санаб улғурмай ҳам қолмаймиз. Шу кунларда шаҳримизда қуриладиган Минор жоме масжиди, шаҳарнинг Эски шаҳар қисмида амалга ошириладиган реконструкция ишларининг суръати ва кўлами ҳар қандай юртдошимизни қувонтиради.

2012 йили Навоий кўчасида ҳар бири 7 қаватли 8 уйдан иборат янги қурилган тураржой мажмуаси фойдаланишга топширилди. Уларнинг биринчи ва иккинчи қаватларида ижтимоий-маиший, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари, ҳар бир уйда эса уч, тўрт ва беш хонали 40 хонадон жойлашган.

Истиқлол йилларида пойтахтимизда қад ростлаган иморатларнинг ҳаммасини санаб, адо этиш – мушкул вазифа. Қисқа қилиб айтганда, бу бинолар Тошкентимизни маҳобатли замонавий шаҳарга айлантирди. Энг муҳими, уларда миллий меъморчилик аъналарини ва жаҳон архитектурасининг замонавий ютуқлари ўзаро уйғунлаштирилди.

Истиқлол халқ ва давлат олдига янги мақсад, янги ғоя, янги вазифа қўйди. Шундай вазифалардан бири шаҳардаги жой номиларини шуроча қараш, мустақил тузум мафқурасидан ҳоли қилишдан иборат эди.

Ўтган давр мобайнида 6 та туман, 50 га яқин маҳалла ва 2 минг атрофида кўча, шунингдек, маданият ва истироҳат буглари, хибоблар, метро бекетлари, таълим муассасалари номилари тартибга келтирилди. Анҳор каналли бўйларидан кераксиз қурилмалар ўрнига ушбу ҳудуд кўчаларсозлаштирилиб, обод этилди. Ҳозир Анҳор атрофларидаги хушманзара ва баҳаво ҳудудда ҳамшаҳарларимиз мириқиб дам олишмоқда.

Бугун жойларнинг тарихий топонимларини муҳофаза қилишга ва собиқ тузум даврида унут бўлиб кетган қадимий номиларни қайта тиклашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Йўллар ўзаро туташган ерда амалда тараққиётлар тараққиётларга боғланади. Мустақиллик йилларида барпо этилган Кичик халқа йўли пойтахт иқтисоди ривожига улкан ҳисса қўшмоқда. Шу кунларда шаҳримизнинг Эски шаҳар қисмида катта бунёдкорлик ишлари амалга ошириляпти. Кўчалар кенгайтириляпти, замон талаблари асосида реконструкция қилинапти.

Шаҳримиз йил сайин замонавийлашиб, гўзаллашиб, яшаш учун қулайлашиб бормоқда.

Тошкент Катта автомобил халқа йўли жаҳон стандартларига мослаштирилди. Кичик халқа йўли, Қўшбеги, Муқимий кўчаларини боғловчи ҳамда Маннон Ҳайр кўчасидан Самарқанд Дарвоза кўчаси орқали Октепа майдонига олиб боровчи янги трамвай йўналишлари ишга туширилди. Шунингдек, Бешкайрағоч кўчасидан Тошкент халқа йўли орқали Ибн Сино мавзесини боғловчи 3,6 километр узунликдаги трамвай линияси ҳам фойдаланишга топширилди.

Ҳеч бир йўлни кўприкларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки, биринчидан, одамлар яшайдиган обод ерларда, албатта, дарё, анҳор ва ариқлар бўлади, иккинчидан, замонавий йўлсозликда йўл ёки темир йўл йўл билан кесишганда улардан бири йўл ўтказгич орқали ўтказилади.

Бугун Тошкент шаҳрида жами 100 дан ортиқ кўприк бор. Кейинги йилларда 8 та янги кўприк қуриб, фойдаланишга топширилди. Жумладан, Кичик халқа йўли, Амир Темур, Бунёдкор, Гаҳар, Аҳмад Дониш кўчалари йўналишларида замонавий кўприклар бунёд этилди.



Бугунги кунда Абдулла Қодирий ва Лабзак кўчалари кесишмасида ҳам янги замонавий кўприк қурилишида иш қизғин кетмоқда.

Тошкентнинг атрофидан ўтган Катта халқа йўли бор эди. Юқорида таъкидланганидек, транспорт воситалари ва йўловчиларга қулайликлар яратиш мақсадида Кичик халқа йўли барпо этилди. Унинг умумий узунлиги 37 километр. Унда 7 та йўл ўтказгич ва 15 та кўприк бор.

2002 йили қисқа фурсатларда ана шу Кичик халқа йўли таркибидан Жанубий вокзал яқинидаги йўл ўтказгич ишга туширилди. Ана шу кўприк ҳамда унга туташган йўлнинг умумий узунлиги – 6,6 километрни ташкил этади.

Илгарилари Фарғона водийсидан Самарқанд йўналишига ёки Самарқанддан Фарғона водийси йўналишига бўйлаб орадиган автомобиллар, ҳатто, катта-катта юк машиналари ҳам шаҳарга кириб, Жанубий вокзал ёнидан айланиб ўтар, натижада бу ҳудудда транспорт қатновини тигизлаштириб қўяр эди. Шунинг учун Сергели йўл ўтказгичи орқали Катта халқа йўли Чилонзор буюм



Шунингдек, юртимиздан етишиб чиққан улуг зотлар таваллуд тўйларини ўтказиш муносабати билан ҳам мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Булардан айримларини санашнинг ўзи ҳам бу борадаги микёс ҳақида етарлиқ тасаввур пайдо қилади.

Алишер Навоий таваллудининг 550 (1991 йил, Тошкент), Хожа Баҳауддин Нақшбанд таваллудининг 675 (1993 йил, Бухоро), Мирзо Улугбек таваллудининг 600 (1995 йил, Тошкент, Самарқанд), Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 (1996 йил, Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз), Имом Бурхониддин Марғиноний таваллудининг 910 (2000 йил, Марғилон), Имом Абу Мансур Мотуридий таваллудининг 1 130 (2000 йил, Самарқанд), Алишер Навоий таваллудининг 560 (2001 йил, Навоий), Хожа Абдуллоҳиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 (2003 йил, Бухоро) йиллигини нишонлаш муносабати билан ана шу юбилейлар ўтган ҳудудларда катта бунёдкорлик ишлари бажарилди. Аjoyиб зияратгоҳлар барпо этилди, мажмуалар қад ростлади, ҳайкаллар ўрнатилди.

Истиқлол, Ислоҳот, Истиқбол

ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ЖАМОЛИ бутун дунёни мафтун этмоқда

бозори ҳудудидан Тошкент – Самарқанд йўналишидаги магистраль йўлга туташтирилди.

Аввал шаҳарда 30 га яқин трамвай, қарийб шунча троллейбус йўналишлари бор эди. Трамвай йўллари катта кўчаларнинг ўртасидан ўтказилган, улар амалда автомобиллар ҳаракатини қийинлаштириб қўйган эди. Ҳозир шаҳарда троллейбус ҳаракати умуман тўхтатилди, 6 та йўналиш бўйичаги трамвай ҳаракати сақлаб қолинди. Трамвай кўпроқ Кичик халқа йўли ёқасидан ўтадиган бўлди.

Ўзбек миллий ҳовлисозлигида дарвоза ва дарвозахонанинг ўрни – ўзгача. Ҳовлининг амалда қандайлигига меҳмонлар, аввало, дарвозахонага қараб баҳо беришади. Шаҳарнинг дарвозаси эса – аэропорт билан темир йўл вокзали.

Истиқлол йилларида Тошкент аэропорти ҳам, темир йўл вокзали ҳам таниб бўлмас даражада янгиланди, кенгайтирилди, йўловчилар учун қулай шароитлар яратилди, уларнинг кўрк-чиروي очиқлиб кетди.

2011 йили маҳаллий қатновлар йўналишига хизмат қиладиган янги аэровокзал очилди. Бу эса самолётлар қатновини янада қулайлаштирди. Янги аэровокзал соатига 400 йўловчиқа намунали хизмат кўрсатиш имконига эга. Бундан буён халқаро авиайўналишлар билан Тошкентга келган хорижий сайёҳлар тегишли расмийлаштириш чаряёналаридан ўтганидан кейин аэропорт ҳудудидан қаймақ туриб ана шу аэровокзал орқали мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларига жўнаб кетаверади.

Хуллас, пойтахтимиз Истиқлолнинг 23 йили мобайнида Президент Ислон Каримовнинг ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида ўта замонавий, юксак маданият ва бой коммуникация имкониятига эга, ниҳоятда гўзал, экологик жиҳатдан тоза, кишилар истикомат қилиши учун ҳар тарафлама қулай бир мегаполис шаҳарга айланди.

Истиқлол йилларида минтақаларимиз марказлари ва бошқа шаҳарларимиз, ҳатто, туман марказлари, қишлоқларимиз ҳам ўзининг янги тараққиёт дэрини бошдан кечиряпти.

Ҳозир Нукус, Андижон, Бухоро, Гулистон, Жиззах, Навоий, Наманган, Термиз, Урганч, Фарғона, Қарши шаҳарларига борасизми, Ангрен, Каттақўрғон, Коган, Марғилон, Олмалик, Чирчик, Шаҳрисабз, Қува, Қўқон ва бошқа шаҳарларимизда бўласизми, Истиқлол йилларида қанчалар тараққиёт этаётганимизнинг гувоҳи бўласиз.

Ўзбекистон Марказий Осиёдаги шаҳарлари энг кўп мамлакат ҳисобланади. Азалдан шундай бўлиб келган. Аммо мустақилла йилларида Ўзбекистонимиз шаҳарларини ривожлантириш, тўйларининг ўтказилишини тушдагина қўриш мумкин эди. Ҳолбуки, бизда қанчадан-қанча қадимий шаҳарлар мавжуд. Истиқлол дунёда машҳур тарихий шаҳарларимизнинг муҳим саналарини аниқлаб, тўйларини ўтказишнинг аjoyиб бир миллий аънағанга айланишига имкон яратди. Буларнинг аксарияти ЮНЕСКО ҳамкорлигида халқаро микёсда нишонланди.

1993 йил 23 ноябрда Тўртқўл (Қорақалпоғистон Республикаси)нинг 120, 1997 йил 19 октябрда Бухоронинг 2500, эртасига, яъни 20 октябрда эса Хиванинг 2500, 2002 йил 2 апрелида Термизнинг 2500, 2002 йил 1 ноябрда Шаҳрисабзнинг 2700, 2003 йил 12 сентябрда Нукуснинг 70, 2006 йил 27 октябрда Қаршининг 2700, 2007 йил 1 сентябрда Самарқанднинг 2750, 2007 йил 7 сентябрда Марғилоннинг 2000, 2008 йил 19 декабрда Навоийнинг 50, 2009 йил 1 сентябрда Тошкентнинг 2200 йиллиги катта тантана қилинди.

Янги биласизки, халқимиз тўйга тўёна билан боради. Юбилейлар баҳона бу шаҳарларимизда мисли қўрилмаган ободончиликлар амалга оширилди.

Жумладан, Баҳауддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси (1993 ва 2003 йиллар, Бухоро вилоятининг Коган тумани), Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси (1998 йил, Самарқанд вилоятининг Хаттанг қишлоғи), Имом Абу Мансур Мотуридий ёдгорлик мажмуи (2000 йил, Самарқанд), Имом Бурхониддин Марғиноний ёдгорлик мажмуаси (2000 йил, Марғилон), «Авесто» ёдгорлик мажмуаси (2001 йил, Урганч), Хожа Абдуллоҳиқ Ғиждувоний ёдгорлик мажмуаси (2003 йил, Бухоро вилоятининг Ғиждувон тумани), «Қўқна ва боқий Бухоро» мажмуаси (2010 йил, Бухоро) бугун фақат Ўзбекистонимиз фуқаролари эса, балки, дунёнинг турли бурчаларидан келадиган зияратчиларнинг ҳам тибарруқ масканига айланган.

Мустақиллик йилларида, жумладан, Махтумқули (1996 йил, Хива), Аҳмад Фарғоний (1998 йил, Фарғона вилоятидаги Қува шаҳри), Жалолиддин Мангуберди (1999 йил, Урганч), Алломиш (1999 йил, Термиз) ҳайкаллари, Мустақиллик майдони ҳудудига Хотира майдони ва у ерда Мотамсара она ҳайкали (1999 йил, Тошкент), Эзгулик аркаси (2005, Тошкент), Бўзсув каналли ёқасида «Шаҳидлар хотираси» мажмуаси (2000 йил, Тошкент), «Хастимом» мажмуаси (2007 йил, Тошкент) бунёд этилди.

Ўзбекистон фақат шаҳарлардангина иборат мамлакат эмас. Аҳолининг ярмидан кўпроғи қишлоқларда яшайди.

Ёши улуг кишиларимиз яхши эслайдикки: Бир келиб кетинг қишлоғимизга, – деган мисра тақрорланадиган бир қўшиқ бор эди. Бугун бу қўшиқни баралла айтса ярашадиган бўлди.

Дунёда мамлакатларнинг тараққиёт ҳолатини урбанизация, яъни шаҳарлашши даражасига қараб белгилаш мезони бор. Масалан, Сингапур – 100 фоиз шаҳарлашган давлат. ГФРнинг 85, АҚШнинг 80 фоиз аҳолиси шаҳарларда истикомат қилади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонимизда ҳам шаҳарлашши жараёни сезиларли даражада тезлашди.

Аммо шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутларни бартараф этиш учун, албатта, қишлоқ аҳлини шаҳарларга қўчириш шарт эмас. Модомки, Ўзбекистонимизда аҳолининг ярмидан кўпи қишлоқ жойларида истикомат қилаётган, мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги муҳим ишлаб чиқариш тармоғи ҳисобланар экан, қишлоқларнинг ўзидан шаҳарлардагидек шарт-шароитлар яратиш йўлидан бориш керак. Чунки бизда муҳтарам Президентимиз Ислон Каримов томонидан мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ: «Исмон – ислоҳот учун эмас, ислоҳот исмон учун хизмат қилиши керак» деган ҳаётий шиор ўртага ташланди ва унга қатъий амал қилиб келинапти.

Истиқлол йилларида қишлоқ жойларда ҳам изчил ислоҳотлар олиб борилди. Ер эгасига, яъни деҳқонга қайтарилди. Маъмурий-бўйруқбозлик тизимидан мерос бўлиб қолган қолхоз ва совхозлар батамом тугатилиб, ўрнига бозор иқтисодиёти қонунлари асосида ишлайдиган замонавий типдаги фермер ҳўжаликлари ташкил этилди. Тамоман янги иқтисодий муносабатлар шаклланди ва тақомиллашиб борапти.

Қишлоқда мулкдор пайдо бўлди. Юртбошимиз таъкидлаганларидек: «Одам ўзини чинакамга мулкдор деб ҳис этмас экан, ўз ҳуқуқлари учун, пировард натижада ва ишлаб чиқариш самарадорлиги учун мулкдор сифатида қурашмайди».

Давлатимиз раҳбари аввал-бошдан масалани: «Ўзбекистон барча аҳолисининг турмуш даражаси қишлоқ аҳолисининг фаровонлигига, уларнинг меҳнат шижоатига боғлиқ. ...Қишлоқ турмуш даражасини шаҳар турмуш даражасига қадар кўтариш бугун агар сўбсатининг жуда муҳим вазифасидир», – тарзида қўйди.

Қишлоқда юксак турмуш фаровонлигига эришиш борасида амалга оширилган ислоҳотлар изчил давом этмоқда. 2009 йил 3 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиш кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

Бундай қонунности ҳужжатининг қабул қилиниши ҳаётий зарурат эди. Чунки қишлоқларда уй-жой қурилиши, ободончилик ишларини амалга ошириш борасида қўпдан қўп муаммолар йиғилиб қолган, улар ўз оқилона ечимини кутаётган эди.

Уй-жойлар бош режаларсиз қурилар, ҳудудларнинг ўзига хос табиий ва иқлимий хусусиятлари, оилаларнинг миллий аъналарини ҳисобга олган ишлаб чиқилган намунавий лойиҳалар йўқ эди. Ўзига ўзи уй қураётган кишининг имкониятлари чекланган, қурилиш материалларининг доимий танқислиги мавжуд, қишлоқда ривожланган қурилиш саноати йўқ, бу борадаги ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Шунинг учун уйлар қўлбола қурилиш материаллари, яъни хом ғишт, гуваладан тикланар, ёғочдан пол қилинмас, том эса фақат асбест шифер билан ёпилад эди. Режасиз қурилгани учун ҳам бундай аҳоли пунктларида инфратузилмани шакллантириш, яъни коммунал қулайликлар билан таъминлашнинг имкони топишмас, ичимлик суви, электр энергияси ва газ етказиб беришда жиддий муаммолар юзага келар эди. Бундай шароитда тиббиёт муассасалари, савдо шохобчалари, бозорлар барпо этиш қанчалик мушкул бўлгани ҳеч кимга сир эмас.

«Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиш кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарор асосида қишлоқда уй-жой қуришнинг комплекс амалга ошириш дастури ишлаб чиқилиб, ўзига хос модель яратилди. Давлат бош ислоҳотчи сифатида уй-жойга муҳтож оилалар учун қулайликлар тизимини яратди.

Аввало, яқка тартибда уй-жой қурилишига кредит ажратиш механизми яратилди.

Намунавий уй-жойларни лойиҳалаштириш, ижтимоий ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасига эга бўлган уй-жой массивларини комплекс қуриш режасини ишлаб чиқиш «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» иктисослаштирилган лойиҳа-тадқиқот институти зиммасига юкланди. Бу институт қурилиш ишларининг бажарилиши устидан муаллифлик назоратини ҳам амалга оширади.

Намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибдаги уй-жойлар қурилишини кредит асосида молиялаш мақсадида «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки ташкил этилди. Банк аҳолига ҳам, қишлоқда уй-жой, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этаётган қурилиш ташкилотларига ҳам, қишлоқ қурилишида фойдаланиладиган замонавий материаллар ва конструкциялар ишлаб чиқарувчи корхоналарга ҳам кредит беради.

Қишлоқ жойларида яқка тартибда уй-жой қуриш дастурини амалга оширишда Ташқи иқтисодий фойдиёт миллий банки ҳамда «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат банки ҳам фаол иштирок этмоқда.

Уй-жойларни намунавий лойиҳалар асосида тайёр ҳолда топшириш шарти билан қуриш борасидаги барча ишлар «Қишлоқ қурилиш инвести» иктисослаштирилган инжиниринг компанияси зиммасига юкланган.

Бундай уй-жойга эга бўлмоқчи бўлган фуқаро, аввало, эҳтиёжи ва имкониятига яраша намунавий уй-жой лойиҳаларидан бирини танлайди. Нарҳнинг 40 фоизини олдиндан тўлайди, қолган 60 фоиз эса банк тарафидан кредит тарзида тўлаб берилади. Фуқаро бу кредитни 15 йил давомида тўлаб боради. У ана шу кредитни қайтариш ва унинг устама фойзаларини қоплашга йўналтирилган даромад солиқларини тўлашдан, шунингдек, у сотиб олган уй-жойдаги мулк учун ипотека кредитини тўлиқ тўлагунга қадар солиқ тўлашдан озод этилган.

Юртимизда амалга ошириладиган бундай эзгу ишлар жаҳон назаридан четда қолмади, албатта. 2013 йил 16 – 17 апрель кунлари Тошкентда «Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, 60 дан ортиқ мамлакатдан 300 дан ортиқ олим, мутахассис ва эксперт иштирок этди. Анжуманда Ўзбекистонимизнинг бу борадаги бой тажрибаси кенг микёсда ўрганилди. Конференциянинг очилиш маросимида Президент Ислон Каримов нутқ сўзлади.

Конференция иштирокчилари, Ўзбекистоннинг бу борадаги эзгу саяё-ҳаракатларини бошқаларга ибрат бўлишга арзийди, деб эътироф этишди.

Ўтган 5 йил мобайнида мамлакатимиздаги 159 қишлоқ туманида 900 дан зиёд янги уй-жой массиви барпо этилди. Шу тарихи намунавий лойиҳалар асосида умумий майдони 4,5 миллион квадрат метр бўлган 33,5 мингдан ортиқ яқка тартибдаги уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Бу, шунча оила турмушида кескин бурилиш юз берди, улар ҳаётидан мамнун ҳолда энг замонавий талабларга жавоб берадиган шарт-шароитларга эга уйларида яшай бошлади, деган гап. Ахир, инсон бахтли яшаш учун яралган. У бир боргина бериладиган умрини ҳўхурсанд, мамнун ва мазмунли ўтказиши керак. Яқка тартибдаги янги уй-жойлар эса бунинг учун шарт-шароит яратиб беради.

Бу янги массивларимизда аҳолининг яхши яшаш учун қулайликлар туғдирган ижтимоий аҳамиятга молик объектлар қурилмоқда. Фақат сўнгги 5 йилда мамлакатимизнинг янги массивларида 750 километрик атомобиль йўллари, узунлиги 1,6 минг километрдан зиёд ичимлик суви қувурлари, 1,2 минг километрик электр ва газ тармоқлари, 800 дан зиёд ижтимоий, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси объектлари бунёд этилди.

Ҳозирги намунавий лойиҳалар асосидаги қишлоқ уйлари пишиқ гишдан қуриляпти, бунда уларнинг узок йиллар хизмат қилиши кўзда тутилган.

Юртимиз шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга очилиб, тобора обод ва гўзал бўлиб бораётгани, жумладан, қишлоқ жойларда муносиб турмуш шароитини яратиш, намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича амалга ошириладиган дастурларнинг ижтимоий аҳамиятини фуқаро сифатида ҳар биримиз теран англаб етишимиз лозим.

Шундай экан, табиийки, шуқроналик – буюк рағбат. У одамни ҳаракатга, меҳнатга, яратувчанликка ундайди. Ахир Ватан равнақи барчамизга, ҳар биримизга бевосита боғлиқлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Олим МАХМУДОВ

ЯНГИ НОМЛАР

«Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида»ги 295-сонли қарори ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2012 йил 24 октябрдаги 845-сонли қарорига мувофиқ, Географик объектларнинг номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича Тошкент шаҳар комиссиясининг хулосасига асосан, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан «Тошкент шаҳридаги баъзи географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисида» қарор қабул қилинди. Қуйида ушбу қарор бўйича пойтахтимизда тартибга келтирилган жой номлари эътиборингизга ҳавола этилади.

№	Жойнинг аввалги номи	Жойнинг янги номи	Изоҳ
Учтепа тумани бўйича:			
1.	Ғаниполвон кўчаси	Қурилиш 2-тор кўчаси	«Катта Қаъни» маҳалласи ҳудудидаги туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида
2.	Ғаниполвон 1-тор кўчаси	Катта Қаъни 4-тор кўчаси	«Катта Қаъни» маҳалласи ҳудудидаги туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида
3.	Ғаниполвон берк кўчаси	Катта Қаъни 4-берк кўчаси	«Катта Қаъни» маҳалласи ҳудудидаги туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида
4.	Космос кўчаси	Коинот кўчаси	«Кўкча Оқтепа» маҳалласи ҳудудидаги кўча номини тартибга келтириш мақсадида
5.	Шодлик кўчаси (такрор)	Қурилиш 3-тор кўчаси	«Катта Қаъни» маҳалласи ҳудудидаги туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида

Шайхонтохур тумани бўйича:			
6.	Шайхонтохур кўчаси	Лабзак кўчаси	Жойнинг тарихий номи. Навоий кўчасидан Кичик ҳалқа йўлига
7.	Шайхонтохур тор кўчаси	Лабзак тор кўчаси	Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида
8.	Лабзак кўчаси (кичик кўча)	Лабзак 3-тор кўчаси	«Лабзак» маҳалласи ҳудудидаги туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида
9.	Зухур Қобулов тор кўчаси	Тахтапул тор кўчаси	«Тахтапул» маҳалласи ҳудудидаги туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида
Юнусобод тумани бўйича:			
10.	Носиров кўчаси	Минор тор кўчаси	«Минор» маҳалласи ҳудудидаги жой номи билан уйғунлаштириш мақсадида
11.	Номсиз янги кўчалар	Янгишаҳар 5,6,7,8,9-тор кўчалари	«Отчопар-2» маҳалласи ҳудудидаги туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида
12.	Номсиз янги кўча	Олтин мерос кўчаси	«Дўстлик» маҳалласи ҳудудидаги жойнинг тарихий номини тиклаш мақсадида
13.	Номсиз янги кўчалар	Олтин мерос 1,2,3,4-тор кўчалари	«Дўстлик» маҳалласи ҳудудидаги туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида
14.	Каттасой 1-берк кўчаси	Каттасой 1-тор кўчаси	«Хасанбой» маҳалласи ҳудудидаги кўча номини тартибга келтириш мақсадида
15.	Каттасой 3-берк кўчаси	Каттасой 3-тор кўчаси	«Хасанбой» маҳалласи ҳудудидаги кўча номини тартибга келтириш мақсадида
Олмазор тумани бўйича:			
16.	Номсиз янги кўчалар	Шифокорлар 3,4,5-тор кўчалари	«Шифокорлар» маҳалласи ҳудудидаги туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида
17.	Номсиз янги берк кўчалар	Шифокорлар 1,2-берк кўчалари	«Шифокорлар» маҳалласи ҳудудидаги туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида

ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ЙЎЛИДА

Бугунги кунда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиб, мамлакат иқтисодий тарққатида катта ҳисса қўшмоқда. Шу боис давлатимиз раҳбари ҳамда ҳукуматимиз томонидан соҳани ривожлантириш, ишбилармонларга кенг имкониятлар бериш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда ортиқча текширувларни чеклашга алоҳида эътибор қаратилади.

Тадбиркорлар фаолиятида юзага келаётган муаммоларни бар-тароф этиш, маҳсулотларнинг экспортида ҳамда зарур техно-логияларни келтиришда яқиндан ёрдам бериш, шунингдек, ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган кўплаб тадбирлар ташкил этилмоқда.

М.В. Ломоносов номи Москва Давлат университетининг Тош-кент шаҳар филиалида бўлиб ўтган «Қонунга иттикоат қар-дор – қонун ҳимоясида» тадбирида ҳам ана шу масалалар ҳу-су-си-да сўз юритилди.

Миробод туман ҳокимлиги ҳамда туман прокуратураси ҳам-корлигида ташкил этилган семинарда Давлат солиқ инспек-цияси, Савдо-саноат палатасининг туман маслаҳат маркази, бан-дликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш мар-кази, тижорат банклари ходимлари ҳамда тадбиркорлар иш-ти-рок этишди.

– Мустақиллик йилларида республикада бозор иқтисо-дий-нинг қонунийлик асосларини шакллантириш, иқтисодиёт-ни янада либераллаштириш ва модернизация қилиш учун бар-ча зарур шарт-шароитлар яратилди, – деди жумладан семина-рада сўзга чиққан Миробод тумани прокурори Баҳодир Тайжанов. – Хусусан, ўтган вақт ичида «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғри-сида», «Чет эл инвестициялари тўғрисида», «Чет эллик инвес-торлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чо-ралари тўғрисида», «Хусусий корхона тўғрисида» ва шу каби иқтисодиётни ислох қилиш бўйича 450 дан зиёд қонун ҳуж-жа-тлари қабул қилинди. Бундан кўриниб турибдики, мамлакатим-изда иқтисодиётнинг турли жабҳаларида амалга оширилаёт-ган ислохотлар ва қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг асосий мақсади энг аввало тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат. Бу борада Миробод туман прокуратураси томонидан ҳам тегишли ишлар мунтазам равишда амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туман прокуратураси ташаббуси билан туман ҳокимлиги ва маҳаллаларда тадбиркорлик субъектлари иштирокида қирққа яқин учрашувлар ташкил этилди. Учрашу-вларда тадбиркорларга уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари тушултирилиб, ушбу йўналишда қабул қилинган қонун ҳуж-жа-тлари тарғиботи олиб борилди, қолаверса, назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган режалар ва режадан ташка-ри текширувлар ҳақида маълумотлар берилди.

Семинарда айтиб ўтилганидек, туман прокуратурасида ишонч телефони ташкил этилган бўлиб, у орқали тадбиркорлик субъектларидан келиб тушадиган муножаатлар бўйича тегишли маслаҳатлар берилмоқда. Бундан ташқари, тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тиклаш, қола-верса, ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида ҳам тегишли чоралар қўрилмоқда.

Шунингдек, туман прокуратураси томонидан ташкил этилган ушбу тадбир ҳам мамлакатимизда иқтисодиётнинг турли жаб-ҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, тадбиркор-лик фаолиятини янада либераллаштириш, ҳужалик юритувчи субъектлар учун қўлайлик ва имтиёзлар яратиш, ушбу соҳада қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти ҳақида тадбиркорларни хабардор этишга қаратилган.

– Бугунги семинарни ташкил этишдан мақсад, тадбиркорлик субъектларига Республикада амал қилаётган қонуности ҳуж-жа-тлари бўйича тушултириш ишларини амалга ошириш ва қону-чилик нормаларига амал қилиниши юзасидан тавсиялар бе-ришдан иборат, – дейди Миробод тумани бандликка кўмакла-шиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари Фарход Жўраев. – Семинарда корхона ва ташкилотларда меҳ-нат шартномаларини бекор қилиш ва меҳнатга оид бошқа қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти бўйича сўз юритилди. Чунки туманимиз-да фаолият юритаётган тадбиркорларнинг бизга қилган муно-жаатларини ўрганиб чиқганимизда аксарият муножаатларнинг айнан шу мазмунга доирлиги аниқланди.

Тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча савол-ларга етарлича жавоб олишди.

Фаррух БАХРОМОВ

Транспортдаги ички ишлар идоралари томонидан ҳудудий ички ишлар идоралари, шу жумладан ИИБ ХЧК ва ФР бўлимлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат идоралари билан ҳамкорликда, Республикаимиз темир йўл ва ҳаво транспорти орқали 2014 йилнинг 6 оyi мобайнида чет ва МДХ давлатларига чиқиб кетаётган ва қайтиб келаётган фуқаролар билан профилактик суҳбат ўтказилиши даврида шубҳа уйғотганлари билан тегишли тезкор-профилактик тадбирлар олиб борилди ва бу ўз натижасини берди.

«Узоқ мuddат» тадбири давоми-да Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 227-228 моддаларида на-зарда тутилган қонунбузарлик со-дир этган 205 нафар ҳужжатлари қалбакилаштирилган шахслар аниқ-ланган бўлиб, уларга нисбатан те-гишли қонуний чоралар қўрилиб келинмоқда. Фуқаролик паспортла-рига қалбаки чегара муҳрларини қўйдириш, элчихона қалбаки муҳр-ларини қўйдириш, қалбаки муҳр-ларни қимёвий усулда ўчириш, фу-қаролик паспортидаги чегара муҳ-ри, депортация муҳри қўйилган ва-рақларини йиртиб йўқ қилиш ка-билар шулар жумласидандир.

Шунингдек, Ўзбекистон Респу-бликасидадан ноқону-ний равишда пас-портида ИИБ ХЧК ва ФРБнинг «Дунё-нинг барча мамла-катларида чиқиш рухсат стикери»ни расмийлаштирмас-дан чет элга бориб келаётган 357 на-фар қонунбузарлар-га нисбатан виза ва стикер талаб қилинадиган дав-латларга бошқа давлатлар орқали ноқонуний борганлиги учун Ўзбекис-тон Республикаси ЖКнинг 223-мод-даси билан жиноят иши қўзғати-лган. 2014 йилнинг шу кунига қадар узоқ мuddатга чет элга чиқиб ке-тиб, шахсини тасдиқловчи ҳужжат-ларсиз (фуқаролик паспорти) 48 нафар фуқаролар кириб келганли-лари аниқланган.

2014 йилнинг 6 оyi мобайнида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 135-моддаси – одам савдоси бўйи-ча 11 та жиноят ишлари қўзғати-лган бўлиб, ушбу жиноятлар юзаси-дан 37 нафар жабрланган шахслар-дан 32 нафарини аёллар, 5 тасини эркеклар ташкил этади. Жиноятчи-лар сони 22 нафардан иборат.

Одам савдоси қурбонларининг чет давлатларга кўп ҳолларда бел-гиланган тартибни бузган ҳолда олиб чиқиб кетилаётганлиги ино-батта олинди, Ўзбекистон Респу-бликаси ИИБ Транспортдаги ИИБ томонидан қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистонга кириш жиноятлари ҳам доимий ра-вишда таҳлил қилинмоқда.

Одам савдосига қарши курашиш ва унинг оқибатларини кенг халқ ом-масига етказиш мақсадида фуқаро-ларнинг чет элга кетишларида но-

қонуний диний ва бошқа ташкилот-ларга кириб қолмасликлари, одам савдоси жабдийдаларига айлан-масликлари юзасидан Республика-миз аэропорт ва темир йўл вокзал-ларида Ўзбекистон Республикаси ИИБ Транспортдаги ИИБ ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Ташқи меҳнат миграцияси масала-лари агентлиги билан ҳамкорликда бир қатор тарғибот-ташвиқот тад-бирлари олиб борилмоқда.

Жумладан, 2014 йилнинг 6 оyi мобайнида одам савдосига қарши курашиш борасида жами 277 ма-ротаба профилактик тарғибот ва ташвиқот ишлари амалга оширил-ган.

ОГОҲ БЎЛИНГ — ФИРИБГАРЛАРГА АЛДАНИБ одам савдоси қурбонига айланманг

Ташқи меҳнат миграцияси ма-салалари агентлиги томонидан ишлаб чиқилган 1500 нусха Та-всиянома, 700 нусха «Памятка для граждан выезжающих на работу за рубеж» талқинидаги рус ва ўзбекча «Тавсиянома» стикери, Ташқи меҳнат миграцияси маса-лалари агентлиги ҳақида 400 нус-ха буклет, «Адашманг» талқинида-ги плакатлар 1000 нусхада ҳамда 3000 нусхада «Диний экстремизм келажака таҳдид» ва «Огоҳ бўлинг» талқинидаги буклетлар 2014 йил январь ойидан темир йўл вокзаллари ҳамда аэропортлари-да тарқатилиши ва тегишли тар-ғибот ишларини олиб боришлар-и учун юборилди.

Барча ҳамшаҳарларимиз ҳамда чет элга ишлаш мақсадида кетаёт-ган фуқароларимизга қуйидагилар-ни эслашиб ўтиш жоиздир:

– Ўз яшаш жойларидаги меҳ-нат ва аҳолини ижтимоий муҳо-фаза қилиш хизмати, Ташқи меҳ-нат миграцияси масалалари аген-тлигининг ҳар бир вилоти ва ту-манлардаги филиалларига учра-шиб, маслаҳат олишларини, йўл олаётган давлатнинг тилини ўрганиб шундан кейингина хал-

қаро ҳамкорлик шартномалари асосида аниқ иш жойига ишлаш учун боришларини;

– Турли хилдаги трансмиллий уюшган одам савдоси ва бошқа жи-ноятчилик олами намояндлари таъ-сирига тушиб қолмасликларини;

– Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан «Дунёнинг бар-ча мамлакатларига чиқиш учун рух-сат берувчи виза стикери» талаб қилинадиган давлатларга стикер ва виза расмийлаштирмасдан чиқмас-лигини;

– Чет элда ўз фуқаролик пас-портларини ишониб, бегона шах-сларнинг қўлига бермаслик (қал-баки муҳрларни бостирмаслик, ўша давлатларда бўлиш қоидала-рини бузмаслик мақсадида ва те-гишли ҳуқуқий маслаҳат керак бўлганда ўша давлатдаги Ўзбекис-тон Республикасининг элчихона-си ёки Консуллик идорасига бо-ришини);

– Чет элда бўлиш қоидаларини бузмаслик;

– Виза стикер мuddати тугаб қолган тақдирда ўша давлатдаги элчихона ва консуллик ваколатхо-наларига учрашиш;

– Фуқаролик паспортларига ўз яқинлари ва фарзандлари фотосу-ратларига қўйилган муҳрларни фа-қат Ўзбекистон Рес-публикаси элчихо-наси, Консуллик ва ко-лоналхоналарига уч-рашиб, уларнинг ҳужжатлари билан танишиб, шахсини билиб шундан сўнг муҳр бостиришга рухсат беришлар-ни, турли фириб-гарларга фуқаролик паспортларини ишониб топшир-масликларини;

– Муқаддас чет эл давлатлари-дан турли хилдаги қонунбузарлик-лар содир этган ва бунинг учун де-портация қилинган бўлсалар, яширмасдан ҳуқуқий маслаҳат олиш вақтида тўғриси айтиш лозим. Чунки ҳар бир чет эл дав-латининг қонун-қоидалари ҳар хил, лекин миграция соҳасида бир-би-рига ўхшаш бўлиб, бир маротаба ҳуқуқбузарлик содир этган шахс маълум бир мuddатга ушбу дав-лат чегарасидан ичкарига қўйил-майди. Чегарада «тақик» қўйилган бўлди. Тўғриси айтмасдан де-портация бўлганини яширган фу-қароларимиз яна авиа чипта ёки темир йўл чиптасини олиб, бекор-га сарф-харажатга тушиб қийна-либ, азобланиб, ўша давлат ҳуду-дига кира олмай орқага қайтиб келмоқдалар.

Шундай ҳолатлар асло юз бер-маслиги учун мавжуд қонун-қоида-ларга риоя қилинг.

Махмуджон ГУЛЯМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Транспортдаги Ички ишлар
бошқармаси жиноят-қидирув
ва терроризмга қарши
курашиш бошқармаси бўлим
бошлиғи, полковник

Архивлар фаолиятидан ИННОВАЦИОН УСЛУБДАН ФОЙДАЛАНИБ

Ўта қимматли ҳужжатларнинг электрон нусхаси ва библиографияси яратилмоқда

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 15 июндаги «Архив иши тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида архив ишини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши мамлакатимизда архив ишини янада юқори даражага кўтариш, келгусида давлат архивлари хизматини тараққий эттириб бориш учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратди.

Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий давлат архивининг «Ўта қимматли ҳужжатларнинг электрон нусхалари-ни яратиш сектори»да мамлакатимизда фаолият юритган тиббиёт ва илмий-техникавий ташкилот-лар ҳужжатларининг электрон нусхалари ҳамда библиографияси яратилмоқда.

Сектор «Ўзбекистон Республикаси Марказий дав-лат архивларини ахборотлаштириш Дастури» та-лабларининг сифатли ижро этилишини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фон-ди ҳужжатларидан фойдаланишни ташкил этиш ва сақловини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Рес-публикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжат-лари Марказий давлат архивининг 2012 йил 8 ян-вардаги буйруғи асосида ташкил этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 15 июнда-ги «Архив иши тўғрисида», 2003 йил 11 декабрда-ги «Ахборотлаштириш тўғрисида», 2004 йил 29 ап-релдаги «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»-ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 августдаги «Ўзбекис-тон Республикасида архив ишини янада ривож-лантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғри-сида», 2009 йил 29 августдаги «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қарорлари асосида фаолият юритади. Бугунги кун-да архивда 250 мингдан ортиқ сақлов бирлигида ҳужжатлар мавжуд, шулардан 160 мингтаси бошқа-рувга, 9 мингтаси лойиҳага, 30 мингтаси илмий ишларга, 26 мингтаси эса касалик тарихига оид ҳужжатлардир. Тадқиқотчилар учун мамлакатимиз-да таниқли бўлган инженер-гидротехник, Ўзбекис-тонда хизмат кўрсатган ирригатор Н. Алиев, ака-демик, пахтачилик ишлари бўйича селекционер С. Канаш, архитектор, профессор А. Бабаханов ва бошқаларнинг илмий ҳужжатларининг электрон нус-халари яратилиб, махсус архив учун ажратилган хотира манбаида сақланади. Секторнинг асосий ва-зифаларига ўта қимматли ҳужжатларнинг электрон суғурта нусхаларини яратиш; электрон суғурта нус-халари яратилган ҳужжатларнинг ҳисобини олиб бориш; электрон суғурта фондларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш; йиғмажилдларнинг электрон нусхаларини олишга тайёрлаш; яратилган ўта қимматли ҳужжатларнинг электрон суғурта нус-халарини дискларга кўчириш ва уларнинг тегишли тартибда сақланишини таъминлаш; ҳужжатларнинг электрон нусхаларини тайёрлашга бюртмалар олиш; электрон суғурта фондлари яратилган ҳуж-жатлардан ўрнатилган тартибда фойдаланишни ташкил этиш қиради. Сектор фаолиятига назар со-ладиган бўлсак, ўта қимматли ҳужжатларнинг элек-трон нусхаларида аниқлик ва реаллик мавжудлиги-ни кўраимиз.

«Ўта қимматли ҳужжатларнинг электрон нусхала-рини яратиш сектори»да ҳужжатларнинг электрон библиографияси ҳам яратилади.

Алоҳида қимматли ҳужжат — ўчмас тарихий-ма-даний ва илмий қимматга, ҳамяят ҳамда давлат учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган, ҳисобга олиш, сақлаш ва фойдаланишнинг алоҳида тартиби бел-гиланган архив ҳужжати ҳисобланади ва бундай туркумга тарихий аҳамиятга эга бўлган, яъни хал-қимизнинг бебаҳо ноёб тарихий бойлиги ҳисобла-надиган ҳужжатлар киритилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ИТТХМДАда 248485 сақлов бирлигидаги ўта қим-матли ҳужжатлар сақланиб келинмоқда.

Бизнинг архивимиз фондидagi алоҳида қиммат-га эга бўлган ҳужжатларда қурилиш, лойиҳалашти-риш (архитектура), қишлоқ ва сув ҳўжалиги, тиб-биёт соҳалари бўйича илмий, тарихий салохиятга эга бўлган, бетакрор амалга оширилган ишларни қўришимиз мумкин.

Масалан, ИТИлар ва тиббиёт соҳаси вакиллари томонидан тадқиқ қилинган илмий ишлар, хусусан, янги ҳам ўсимлик уруғларини яратиш, турли давр архитектура ёдгорликлари, бино ва иншоотларнинг лойиҳалари шулар жумласидандир.

Алоҳида қимматли ҳужжатларнинг суғурта ва электрон нусхаларини яратиш архивлар фаолияти-да муҳим аҳамият касб этади. Чунки ҳозирда сақ-ланаётган ҳужжатлар, айниқса, ўта қимматли ҳуж-жатларнинг жисмоний ҳолати жиҳатдан эскиргани-ни кўриш мумкин. Фойдаланиш жараёнида ҳужжат-ларга зарар етади.

Электрон нусхасининг яратилиши биринчи навбатда ҳужжат аҳоли ёмонлашишининг олдини олади. Бундан ташқари электрон ҳужжатни қидириб топиш ва ундан фойдаланишда талайгина қўлай-ликлар яратди. Электрон нусхаси яратилган архив ҳужжатидан электрон тармоқ орқали масо-фадан туриб ҳам фойдаланиш мумкин. Бу эса ҳужжатдан фойдаланиш самарадорлигини янада оширади.

Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий давлат архивининг «Ўта қимматли ҳужжатларнинг электрон нусхалари-ни яратиш сектори»даги барча шарт-шароитлар замон билан ҳамоҳангдир. Ҳужжатларнинг элек-трон нусхалари сифатли ва ўта қимматлилиги би-лан алоҳида аҳамиятга лойиқдир.

Мирхомид МИРАКБАРОВ,
1-тоифали архивчи



БОҒДА БАЙРАМ ШУКУҲИ



(Давоми. Боши 1-бетда)

— Ёшларимизга бугун ҳар қанча ҳавас қилсак ярашади, шу билан бирга уларга Истиқлол берган кенг имкониятлардан фойдаланиб, жаҳон майдонига шаҳдам қадамлар билан кириб бораётганимизнинг энг олий саодат эканини етказишимиз лозим, — дейди 5-шаҳар юқумли касалликлар клиник шифохонаси бош шифокори Салима Валиева. — Токи улар обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар мазмун-моҳиятини теран англаб вояга етсинлар.

— Ўзбек жанг санъати бўйича Франция, Германия каби қатор давлатларда ўтказилган фестивал ва мусобақаларда қатнашиб, чемпион бўлиб Ўзбекистонимиз байроғини баланд кўтардик, — дейди шода-шода медаллари ўзига жуда ярашиб турган ўзбек қизи Мафтуна Худоерова. — Ўша вақтдаги ҳаяжон, ғурури сўз билан ифода-лаш қийин. Қарерда бўлмайлик, юрт соғинчи, она Ватан меҳрини хис қилиб турдик. Мақсадимиз бундан катта ютуқларга эришиш, юртимизни бутун дунёга танитиш.

Худди мана шундай фикрларни кўзлари қувончдан, байрам шукуҳи тантанасидан қақнаб турган, яқинда бўлиб ўтган «Баркамол авлод» мусобақаларида сузиш бўйича ғолибликни қўлга киритган Диана Геворян ва Анна Кучимовалар ҳам билдиришди.

— Миробод туманида бешта болалар ва ўсмирлар спорт мактаби бўлиб, уларда уч мингдан ортиқ ёшлар спорт билан мунтазам шуғулланади. Шулардан мингдан ортиги қизлар, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Миробод туман бўлими ва-

кили Баҳодир Бахромов. — Спортни севган, соғлом турмуш тарзини танлаган ўғил-қизларимизнинг спортнинг хоҳлаган тури билан шуғулланишига барча шарт-шароитлар яратилган. Уларга ўз касбининг устаси бўлган мураббийлар сабоқ берадилар. Натижа чакки эмас, чемпионлар сафининг ортиб бораётгани меҳнатларимиз зое кетмаётганини кўрсатмоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли — ўзбек моделини энг тўғри, энг оқилона йўл сифатида танлаб, ўтган йиллар давомида бу йўл юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, ҳар бир оила мисолида жамиятимиз ҳаётида синовдан ўтиб, амалда ҳар томонлама ўзини оқлади ва бугунги кунда ўз амалий натижасини бермоқда.

Биз Тошкент Фармацевтика институти қошидаги академик лицей, Бектемир ва Чилонзор туман ФХД, Миробод туман бандликка қўмаклашувчи марказ, 1-Тошкент педагогика касб-ҳунар коллежи, 217-умумтаълим мактаби, 36-оилавий поликлиника, 561-мактабгача таълим муассасаси, «Ифратли келин» ўқув маркази вакиллари билан суҳбатлашиб, байрам тадбирининг ниятида кўтаринки руҳда, файзу таровати ўзгача ўтаётган ғувоҳ бўлдик. Бобо-у бувиҳонлари қўлидан ушлаб қўғурлаб байрамга шошилтираётган набиралар қувончу шодлигига шерик бўлиб, ҳар бир инсонни мана шундай дорилмомон кунларга етказишини ният қилдик.

Истиқлол йилларида бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, дину дённатимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланди, истиқлол даври Ватанимиз учун чинакам маънавий тикланиш ва юксалиш даври бўлди десак, айна ҳақиқатни айтган бўламыз.

Боғдаги байрам тадбирида ташкил этилган кўргазмаларнинг миллий руҳда жиҳозланиб, биз учун азиз бўлган «Нон» сайлидан бошлангани, шунингдек, «Мева» сайли, «Ифратли келин» ўқув маркази томонидан келтирилган турли пишириқлар, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмалари, маҳаллалар, коллеж ва академик лицейлар, мактаб, мактабгача таълим муассасалари, сиёсий партиялар, корхона ва ташкилотлар томонидан ташкил этилган кўргазмалар барча қатнашчиларимиз эътирофу таҳсинига сазовор бўлди.

Тадбир давомида юртимизда, қолаверса, ҳар бир хонадонда тинчлик-осойишталик, барқарорликни сақлаш, ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, авваломбор оилани мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган ёш, намунали ва ибратли оилалар, спортда катта ютуқларни қўлга киритиб «чемпион» деган шарафли номга сазовор бўлган «Мустақиллик тенгдошлари», яъни иқтидорли ва истеъдодли ёшлар муносиб тақдирландилар.

Ҳар бир катта-кичикнинг кўнглига бир олам қувонч улашган ушбу тадбирнинг якуни бундан таассуротларга бой бўлди. Эл ардоғидаги санъаткорлар, шоиру бастакор, раққосаю суҳандонлар тадбирнинг узок вақт ёдда қолишига хизмат қилиб, дилрабо куй-қўшиқлари билан барчани даврага чорладилар. Ушбу даврада элу юртимиз омонлиги, тинчлиги-саодати учун шукроналик нафаси уфуриб, дилларга қувончу шодлик улашди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТЛАРДА: байрам тадбирдан лавҳалар
Ислом Исмоилов олган сураатлар

Болалар спорти

ГУРУЧАРИҚЛИК ЁШ ЧЕМПИОН

Пойтахтимизнинг Олмазор тумани Гуручариқ маҳалласида яшовчи ўн олти ёшли Ҳасанбек Абдушукуровнинг шотокан каратэ спорт тури бўйича эришган ютуқларига маҳалланинг кўпчилиги ёшлари ҳавас қилмоқда.

кинчи ўринни эгаллаб, мураббийларда яхши таассурот қолдирди.

Кундан-кун маҳоратини ошириб борган ёш спортчига Қозоғистонда бўлиб ўтган дунё халқаро турнирда иштирок этиш учун ишонч билдирилди. Нуфузли мусобақаларда муносиб иштирок этиб, Ватанимиз байроғини баланд кўтарайотгани Президентимиз раҳнамолигида юртимизда ёшларга қаратилган доимий ғамхўрлик самарасидир, — дейди Ҳасанбекнинг отаси Саидазим Сайдуллоев. — Бу эътибор ва ғамхўрлик ёшларимизнинг жаҳоннинг кучли спортчилари орасида ҳеч кимдан кам эмаслиги ва кам бўлмаслигини исботламоқда.

Даврон СУННАТОВ,
ЎЗА мухбири

вазн тоифасида дунёнинг кучли спортчилари орасида тенгсиз эканини исботлаб, чемпионатнинг олтин медалини қўлга киритди.

— Фарзандларимизнинг нуфузли мусобақаларда муносиб иштирок этиб, Ватанимиз байроғини баланд кўтарайотгани Президентимиз раҳнамолигида юртимизда ёшларга қаратилган доимий ғамхўрлик самарасидир, — дейди Ҳасанбекнинг отаси Саидазим Сайдуллоев. — Бу эътибор ва ғамхўрлик ёшларимизнинг жаҳоннинг кучли спортчилари орасида ҳеч кимдан кам эмаслиги ва кам бўлмаслигини исботламоқда.

Мусобақалар

СПОРТ БИЛАН ҲАМНАФАС ЁШЛАР

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишлаб «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида Сергели туманидаги 34-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида «Соғлом танда — соғ ақл» спорт мусобақаси ўтказилди.

Ушбу қизиқарли мусобақа Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда тумандаги мактаблар ҳошида ташкил этилган оромгоҳларда дам олувчи ҳамда спорт мактабларида шуғулланувчи ўқувчилар қатнашди. Ёш спортчилар «Қувноқ» спортлар, кураш, баскетбол, волейбол, бадий гимнастика ва спортнинг бошқа турлари бўйича ўзаро беллашдилар.

— Юртимизда болалар спортини ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар, имкониятлар яратилгани қувончлидир, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали Сергели туман бўлими вакили, бош мутахассиси Рустам Тиллаев. — Сўнгги йилларда мамлакатимизда кўпга спорт комплекслари қурилиб, болажонларимиз замонавий, талабга жавоб берадиган масканларда шуғулланишмоқда. Мазкур мусобақани ўтказишдан мақсад ҳам ёш авлоднинг спортга бўлган қизиқишини янада ошириш ва улар ўртасида соғлом турмуш тарзини ривожлантиришдан иборатдир.

Бугунги кунда 34-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бокс, ўзбек жанг санъати, каратэ, бадий гимнастика каби ўнга яқин спорт тўғрақлари фаолият юритмоқда. Мазкур тўғрақларга 582

нафар ўғил-қиз қамраб олинган бўлиб, уларнинг маҳорат ва кўникмалари тобора ошмоқда. Бу эса ўз навбатида турли спорт мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллашга омил бўлмоқда. Жорий йил ўтказилган ўзбек жанг санъати бўйича Ўзбекистон чемпионатида спорт мактабининг тўрт нафар аъзоси иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашган. Бундан ташқари юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон чемпионатида мактабининг битта аъзоси 3-ўрин соҳибига айланган.

— Мусобақада иштирок этаётганимдан хурсандман. Бу ерда янги дўстлар орттирдим, — дейди 268-мактаб ўқувчиси Сардор Фозилов. — Мен ўз тенгдошларимга спорт билан мунтазам шуғулланиб туришларини тавсия қиламан. Ёнгу улуг, энг азиз байрам арафасида ташкил этилган мусобақа бизни спорт билан янада кўпроқ шуғулланишга ундайди.

Мусобақа сўнгида ғолиб ва совриндорлар, фаол иштирокчиларга ташкилотчилар томонидан диплом, фахрий ёрлиқлар ҳамда эсдалик совғалари тақдим этилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, келажақ авлоднинг спорт мактабларида яратилган имкониятлардан унутили фойдаланиб, турли мусобақаларда қатнашиб, Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишлари қувончлидир, Зеро, ўсиб келаётган авлоднинг келажақда ҳар жиҳатдан етук бўлишига барчамиз масъулмыз.

Зафар НАЗАРОВ

Ёш авлодни жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришда Ўзбекистон Мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ўрни катта.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯГА ҲАВАС УЙФОТИБ

Турли тўғрақларда олиб борилаётган машғулотлар ўз самарасини бермоқда. Сергели туманидаги 300-сонли умумтаълим мактаби қошидаги техник йўналишга ихтисослаштирилган «Камалак» болалар соғломлаштириш оромгоҳида Соғлом бола йили муносабати билан «Келажак сининг кўнглингизда» деб номланган тадбир ўтказилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши, Ўзбекистон Мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Сергели ўқув СТК унитар корхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбир Ватанимиз ҳимоя қилиш, уни асраш ҳақидаги ғояларни тарғиб қилиш ва ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида ташкил этилди.

— Ҳозирги кунда юртимизда ёшлар камолотига катта эътибор қаратилмоқда, имкониятлар эса кўпга яратилган, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши бош мутахассиси Шўхрат Қаримов. — Ўртбошимиз айтганларидек, келажак ёшлар қўлида. Бу эса ўз навбатида зиммамизга катта масъулият юклайди. Соғлом бола йилига бағишлаб ўтказилган тадбир ҳам ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади деган умиддамиз.

«Ватанпарвар» ташкилоти спорт йўриқчиси Дилором Эшонова билан ташриф буюрган маҳалла мураббийлар келажакда болалар онгига Ватанга садоқат, халқпарварлик, мардлик ва жасурлик каби хислатларни шакллантириш, Ватан ҳимоячиси бўлишга қизиқишларини ошириш мақсадида мийликдан ўқ отиш бўйича мусобақа ўтказилди. Машина серкатори кўчаларда болажонларимиз билан юз бериши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича қизиқарли дарс ўтатилади.

— Мен катта бўлганимда албатта юртимизни кўриқлайдиган ҳарбий хизматчи бўлишга ваъда бераман, — дейди мийликдан ўқ отиш бўйича 1-ўрин соҳибни Владимир Рафиков. — Ўтказилган тадбир менда катта таассурот қолдирди. Спортнинг техник ва амалий турларига бўлган қизиқишим ортди.

Тадбир сўнгида ташкилотчилар томонидан ғолиб ва совриндорларга дипломлар топширилди.

Бу каби тадбирлар ўсиб келаётган ёш авлод қалбида спортга бўлган қизиқишнинг орттишига хизмат қилади.

Зиёда РАСУЛОВА

ДИҚҚАТ, КҮРИК-ТАНЛОВ:

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ КИТОБИ»

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги 2014 йил август-октябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб республика нашриётларининг ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш, ноширлик маданияти ва нашриётларнинг ижодий салоҳиятини юксалтириш, соҳада эришилган ютуқларни кенг оммалаштириш, ноширлар, муҳаррирлар ва техник муҳаррирлар, мусаххих, рассом-дизайнерлар, матбаачиларни рағбатлантириш, аҳолининг барча қатлами, хусусан, ёшлар орасида китобхонлик маданиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида «Йилнинг энг яхши китоби» VI Республика кўрик-танлови куйидаги 7 та номинация бўйича ўтказилишини эълон қилади:

1. «Ижтимоий-сиёсий адабиёт»;
2. «Ватан тарихи»;
3. «Ўзбек ва жаҳон мумтоз адабиёти»;
4. «Болалар ва ўсмирлар адабиёти»;
5. «АРТ китоб»;
6. «Маънавий-маърифий адабиётлар»;
7. «Илмий-фундаментал асарлар, энциклопедик нашрлар».

Танловга қўйилган нашрларнинг куйидаги жиҳатлари ҳисобга олинади:

- маъно-мазмун, илмий-маърифий жиҳатдан тайёрланиш даражаси;
- тахририй-ноширлик даражаси;
- дизайннинг оригинал ечими ва бадий ечимларининг мазмунига, ўқувчилар доирасига ҳамда китоб мақсадларига мувофиқлиги;
- матбаа ижросининг сифати;
- нашрнинг оммабоплиги ва ижтимоий аҳамиятилиги.

Нашриётлар ушбу кўрик-танловда ҳар бир номинация бўйича бирданига бир неча номдаги китоб маҳсулотлари билан иштирок этишлари мумкин.

Кўрик-танловга тақдим этилаётган нашрлар 2014 йилнинг 20 октябригача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари ташкилий қўмита томонидан 2014 йил ноябрь ойида бўлиб ўтadиган «Ўзбекистон матбуоти» IV Миллий кўргазмаси тадбирлари доирасида мукофотланиб, уларга танловнинг махсус дипломлари тантанали равишда топширилади. Кўрик-танловнинг ахборот ҳамкори сифатида «Китоб дунёси» газетаси тахририяти эътироф этилган.

Кўрик-танловга тақдим этилаётган китоблар бир нусхадан куйидаги манзил бўйича: **Тошкент-100129, Навоий кўчаси, 30-уй, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига** юборилсин.

Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 244-12-61, 244-31-85.

Тошкент темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежи ўқувчилар ошхонасида «Соғлом овқатланишни ташкил этиш» мақсадида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда иштирок этиш учун аризалар шу йилнинг 15 августига қадар қабул қилинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент ш. Темирйўлчилар кўчаси, 89. Тел. 299-04-00, 299-00-33.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39.

Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.



Тошкент шаҳрида 6 август кунини ҳаво ўзгариш турари, ёғингарчилик бўлмайд.

Тошкент шаҳрида 6 август кунини ҳаво ўзгариш турари, ёғингарчилик бўлмайд. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кун-

дузи — 37-39 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 6 августда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратилди. Ифлосланиш таъмиқдорини паст бўлади.



Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

2017 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
6527 нусхада босилди.
Қозғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 14.40